

---

Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида ўтган навбатдаги қабулда 30 дан зиёд аҳоли вакиллари қатнашдилар. Шу кун ийғилган фуқаролар туман ҳокимига тиббий хизмат кўрсатилиши, даволаниш харажатлари учун моддий ёрдам ажратиш, банк кредити ажратилиши, уй-жой қурилиши, ички йўлларни асфалтлаш, ичимлик суви таъминоти, ишга жойлаштириш, кадастр билан боғлиқ бир қатор масалаларда мурожаат қилдилар. Ўз навбатида туман раҳбари тегишли мутасадди раҳбарларни жалб қилган ҳолда ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиб, ижрога йўналтирди. Бугунги қабулда 30 та мурожаат қабул қилинган бўлса, куннинг ўзида 6 таси (поликлиникага ишга жойлаштириш, кадастр, имтиёзли кредит олиш, даволаниш учун моддий ёрдам ажратиш ва бошқа)га ечим топилиб, қолган мурожаатлар белгиланган муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.













2021-12-14 18:36:29